

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

### БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июль куни маданият, тиббиёт, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилишига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Авал хабар берилганидек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудда замонавий кутубхона барпо этилиши режалаштирилган. Унинг дастлабки тарҳи бир ой аввал тақдимот қилинган, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг тасвирлари асосида тақдимот қилинган.

Масалан, кутубхона биносининг ташқи қурилиши юртимиздаги қадимий обидаларга уйғун тарзда режалаштирилган. Улкан китоб фондиди сақлаш, мутлола, маданий ҳордиқ чиқариш, турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олинган.

Тақдимотда кутубхона лойиҳаси ба- тафсил кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбарига онкология ва гематология шифохоналарини ташкил этиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, шу йил 27 май куни "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада тақимлаштириш тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, Республика онкология ва радиология тиббиёт маркази учун янги иншоот қуриш белгиланган.

Шу мақсадда Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудидан 5 гектардан зиёд ер ажратилган. Хорижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитлар ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилган. Хусусан, бу борада Корея Республикасининг "Daedong Medical Consulting" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 50 дан ортиқ консалтинг корхоналарини ўз ичига олган ушбу компания Корея ва хорижий мамлакатларда 600 дан ортиқ муассасалар қурилишида иштирок этган.

Президентимиз қарори асосида гематологияни ривожлантириш борасида ҳам сифат ўзгаришлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси алоҳида марказ сифатида ажратилиб, келгуси йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидан мустақил тарзда фаолият юритади. Бу икки марказ Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Арнасоў кўчасида янги қурилган замонавий биноларга жойлаштирилади.

Тақдимотда ушбу марказларни янги биноларга кўчириш бўйича олиб борилётган ишлар қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда ҳар иккала марказдаги барча хоналар зарур ускуна ва мебель билан жиҳозланган. Ҳар бир ўрин кислород нуқталари билан таъминланган. Кунлик 100 қатновга мўлжалланган амбулатор поликлиника ва стационар бўлимлар ташкил этилган. Оптик талаби интернет асосида ишловчи электрон шифохона дастури жорий этилмоқда.

Шунингдек, бу ерда бактериологик, вирусологик лабораториялар ва ви- варий учун бинолар қурилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги фармонида мувофиқ, "Термиз" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида Термиз улкан савдо маркази ташкил этилмоқда. Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташириш чоғида унинг бош режасини кўздан кечирган эди.

Умумий қиймати 75 миллион доллар бўлган ушбу марказ улкан ва кўп тармоқли бўлади. У ерда 1 минг 800 та савдо нуқтаси, қарий 1 миллион тонна юк сигимига эга логистика маркази ва омборхоналар, 1 минг 600 квадрат метрлик экспомарказ, шунингдек, иккита меҳмонхона, хостел, шифохона, автомобиль устаконалари ва бошқа объектлар барпо этилади.

Марказ учун Термиз туманидан 26 гектар майдон ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Корпусларнинг биринчи қаватида савдо нуқталари, иккинчи қаватида енгил ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Халқаро савдо марказида махсус солиқ ва боғжона режими, 10 кунгача визасиз тартиб, "ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйлади. Натижада ишлаб чиқариш ҳам, савдо ҳам ривожланади. Марказнинг йиллик савдо айланмаси 500 миллион доллар, экспорт қуввати 200 миллион доллар бўлиши мўлжалланган. Бу ерда жами 5 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилиши мумкин.


Тадбирда Тошкент шаҳрида давлат объектларидан самарали фойдаланиш, Наманган вилоятида йўл буйларига савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш борасидаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

### ТОКИО ОЛИМПИАДАСИ

## УЛУҒБЕК ЎЗБЕКИСТОНГА ИЛК ОЛТИН МЕДАЛНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Олимпия ўйинлари тарихида таэквондо йўналиши бўйича олтин медалга сазовор бўлган илк ўзбекистонлик спортчи сифатида тарихга кирди.



2-бетга қаранг.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ихтисослаштирилган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, шойилчи тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш хисобига фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг фаол меҳнат қўбилитини тиклашга имконият яратиш, болалар, туғиш ёшидаги, ҳомилдор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 35 та **Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон- томир касалликлари марказлари** (кейинги ўринларда — **Давоми 2-бетда**

1-иловага мувофиқ босқичма-босқич ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

"олтин соат" тамойили асосида қўшма шикастланишлар ҳамда ўткир қон- томир касалликлари билан тиббий ёрдамга муҳтож беморларга шойилчи ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларга гемодиализ хизматини кўрсатиш;

Марказларга бириктирилган туман (шаҳар)лар аҳолисиغا Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда тиббий хизмат кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Марказларга: худудлардаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, шойилчи тиббий ёрдам ва умумий жароҳатлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида 50 тадан 60 тагача ўринлар ажратилади;

Давоми 2-бетда

### БУГУННИНГ ГАПИ

## ОҚ ОТЛИ ИЖОДКОРЛАР

Азал-азалдан юртнинг, раиятнинг осойишталиги бардавом бўлишини, маънавияти, ақл-заковати, салоҳияти юксалишини ўйлаган, инсоннинг бахту иқболини фақат моддий фаровонлик белгиламаслигини, маънавий, руҳий бойликсиз одам боласининг ҳаёти тўқис бўлмаслигини ва бу икки муҳим омил бири-бирисиз кемтик бўлишини тушуниб етган подшоҳлар ўз атрофига илм, ижод аҳлини тўплаган, уларга шароит яратиб берган, улардан маслаҳат олиб турган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бунинг энг ёрқин мисоли Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий фаолиятидир.

Хусайн Бойқаро сафардан қайтганда унга пешвоз чиққан Алишер Навоий йилда ёзиб тугатгани "Ҳамса"ни тақдим этади. Бундан мутаассир бўлган султон шоирни ўзининг оқ отига миндириб, жиловни ўзи ушлаб сарой аъёнлари олдириб ўтади. Бу фақат Хусайн билан Алишернинг дўстлиги ифодаси эмас, юрт подшоҳининг шоирларга, ижод аҳлига, сўз санъати- га, яъники адабиётга ҳурмати, меҳри, соҳа ва соҳа ходимлари қадрига етганининг амалий ифодаси бўлган.

Шоҳлар ҳақида асарлар битилгани биланамиз. Аммо шоҳ шоирлар ҳақида асар ёзгани камёб воқеа. Бу ҳам шу икки буюк аждодимизга тегишли — Хусайн Бойқаро Алишер Навоий ҳақида рисола ёзган. 1995 йилда

"Шарқ" нашриётида чоп этилган ушбу рисола Афтондил Эркинов нашрга тайёрлаган, унга Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов мухтасар сўзбоши ёзган. "Бир гуруҳ адабиётшунос олимларимиз тарихимиздаги бу кемтикликни тўлдириш мақсадида "айби" подшолик бўлган шоирларимизнинг асарларини жам этиб, нашр этаётган экан, бу хурриятимиз маҳсули, тарихий адолатнинг тикланиши, деб ҳисоблайман", деб хулоса қилади Э.Воҳидов. Хусайн Бойқаро ўз рисоласида Алишер Навоий ҳақида бундай ёзди: "Мир Алишер "аслаҳаллоху шонаху"ким, тахаллуси Навоийга машхурдурур ва ашъорида бу тахаллус мастур. Турк тилининг ўлган жасади- га Масиҳ анфоси била руҳ кюрди ва



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

ул рух топқанларга туркийоин алфоз- тору лудидин тўқулган хулла ва ҳарир кийдурди. Ва сўз гулистонида навбахор табъидин равонасо ёғинлар била ранго-ранг гуллар очти ва назм дарё- сига саҳоби фикратидин руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти.

Ҳар синф шеър майдониғаким тако- вар сурди — ул кишварни тиғи забон била ўз хиттаи тасарруфига кивурди. Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожиз турур".

Давоми 5-бетда

### Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси


## СИНЕРГЕТИК ЭФФЕКТ

ҳар бир соҳага ҳамжиҳатлик ва илм билан ёндашув демак

Юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар янги, янада юксак босқичга кўтарилаётгани халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодийётгани юқори ўсиш суръатини таъминлаш учун муносиб шарт-шароит яратишга асос бўлмоқда. Бу борада илм-фаннинг роли ва аҳамиятини тилга олмай илож йўқ. Зотан, бугун барча соҳалар олдида турган айрим масалаларни илм-фансиз ечиш мураккаблигини замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Давоми 4-бетда

### САЙЛОВ—2021



## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Бу йил давлат мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонланаётган мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

### Изчил ўзгаришлар

Ривожланган демократик давлат, эркин ва мустақил, фаровон жамият қуришдек гоят муҳим жараёнда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэтироф этилган халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини янада кенг ва тўла таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу қурулган мамлакатимизда катта сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови- га кизгин тайёрлик қўрилмоқда. Бу борадаги барча жараёнлар очик, ошқора, миллий сайлов қонунчили- ги асосида ва қонунчиликда белги- ланган муддатларда ўтказилмоқда.

Давоми 3-бетда

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САНЪАТИ УЧУН ЯНГИ ДАВР КЕЛДИ

мусиқада, қўшиқда маънавиятнинг  
чуқур булоғи бор



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Давоми 6-бетга қаранг.







## ҲАР БИР СОҶАГА ҲАМЖИҶАТЛИК ВА ИЛМ БИЛАН ЁНДАШУВ ДЕМАК



**Нағмет АИМБЕТОВ,**  
**ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик**

**“**Институт олимлари томонидан силикат ғишт ишлаб чиқариш бўйича яратилган технология асосида 2019 йили Нукус шаҳридаги эски керамзит заводи биноси ўрнида силикат ғишт ишлаб чиқариш заводининг технологик биноси тикланди ҳамда биринчи ва иккинчи технологик линиялари қурилди. Ҳозир ушбу заводни технологик монтаж қилиш ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида.

### ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ



**“**Ҳозирги кунда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишида қатор ишлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими табиий илмий-тадқиқотлар институти олимлари томонидан ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда. Жумладан, институт олимлари томонидан 4 та инновацион ишланма “Йўл харитаси”га киритилган.

Бошланғич 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 апрель кунини Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номидagi Усимлик моддалари кимёси институтида вазирилик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан мулоқотда “Ҳамма соҳанинг келажак сизларга, илм-фанга боғлиқ. Бундан кейин мамлакатимизга келаятган ҳар бир хорижий инвестициянинг муайян фоизи илм-фани ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлашга йўналтирилади. Илм-фан ривожлансагина эртанги кунимиз ҳақида тасаввур қила оламиз”, дея таъкидлаб ўтган эди. Бу сўзлар бугун мамлакатимизда барча соҳаларни, жумладан, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг моҳиятини аниқлатади.

Давлатимиз раҳбари илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омил эканини бот-бот таъкидламоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижориллаштириш мавжуд салоҳиятга нисбатан етарли эмаслиги, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустақам интеграцияси таъминланмагани танқидий баҳоланган эди. Мана шу танқиддан зарур хулоса чиқариб, энди таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш мамлакатимиз ривожланишининг драйвери экани кун тартибига қўйилмоқда. Бунга қўшимча равишда хориж инвестициясини кенг жалб этиш, пуллик хизматлар қўламини кенгайтириш ва

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этиш давр талаби даражасига кўтарилмоқда. АҚШ ва Европа давлатларида олий таълим ҳамда ишлаб чиқариш корпорациялари ўзаро ҳамкорликда ривожланади. Башарти, олий таълим муассасалари бизнес тузилмалар билан ҳамкорлик қилмас экан, шубҳасиз, молиявий манбаларини йўқотди. Кенг жамоатчилик, йирик ишбилармон сармоядорлар қатлами орасида, халқаро таълим ва илмий ҳамкорлик борасида жозибдорлигини бой беради. Айниқса, биттравчиларнинг ишга жойлашиш имконияти пасаяди. Масалан, Англияда Фаредий жамоатчилик лойиҳаси доирасида олимлар жамоаси билан тадбиркорлар ўзаро самарали шерикликлари ўрнатиб, бирлашган ташкилот тармоғини ташкил этади. Бу жараёнда фирмалар, тижорат ассоциациялари, тадқиқот бюрolari ва

бирлашуви, интеграцияси натижасида тизим фаолияти самарадорлиги ортади. Бундай самарали интеграция мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ўсишини таъминлайди. Ушбу элементларнинг бирортаси ўз функциясини сифатли ва натижали бажармас экан, яхлит тизимда муайян тизимли муаммолар намён бўлади. Президентимизнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўқитиш сифатини ошириш, соҳадаги долзарб муаммоларни ечиш, кадрлар сифатини оширишга қаратилгани билан муҳим

аҳамият касб этади. Сабаби, таълим фан ва ишлаб чиқариш учун кадрлар тайёрлаш орқали ишлаб чиқариш ёки илмий-тадқиқот соҳасига йўл очилиши мумкин. Шу асосда таълим жараёни фан ва ишлаб чиқариш соҳалари билан органик равишда боғлиқ. Таълимнинг сифати ва самарадорлигини юксак салоҳиятга педагог кадрлар белгилайди. Ҳозирги кунда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишида қатор ишлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими табиий илмий-тадқиқотлар институти олимлари томонидан ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда. Жумладан, институт олимлари томонидан 4 та инновацион ишланма “Йўл харитаси”га киритилган.

Булар “Қорақалпоғистоннинг маҳаллий агрорудаси асосида янги турдаги ўғит олиш технологиясини яратиб ва ишлаб чиқаришга жорий этиш”, “Табиий шариотда жойлашган қумлик туپроқларнинг филтрланиши



коэффициентини аниқлаш усули”, “Полиэтилен чинқидларидан фойдаланиш усуллари”, “Хокак ва бархан қумлар асосида силикат материалларни олиш усуллари” дир. Биринчи инновацион ишланма Қорақалпоғистоннинг маҳаллий агрорудалари асосида янги турдаги ўғит олишга қаратилиб, ушбу технология бўйича Элликқалъа туманида “Poritog Kitmu” МЧЖ инновацион кичик заводи ишга туширилди. Мазкур ишланмага Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди. Институт олимлари томонидан силикат ғишт ишлаб чиқариш бўйича яратилган технология асосида 2019 йили Нукус шаҳридаги эски керамзит заводи биноси ўрнида силикат ғишт ишлаб чиқариш заводининг технологик биноси тикланди ҳамда биринчи ва иккинчи технологик линиялари қурилди. Ҳозир ушбу заводни технологик монтаж қилиш ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида.

Институтнинг муҳандислик геологияси йўналишида ҳам илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялаштириш жараёни яхши йўлга қўйилган. Геология лабораторияси олимлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда кўплаб ишларни бажармоқда. Шартномавий ишлар доирасида олимлар дала муҳандислик-геологик тадқиқотлар олиб борди, туپроқ ва ерости сувлари таркибини, физик-механик хусусиятини аниқлашди. Лойиҳалаштирилган қурилиш объектларининг, масалан, Қорақалпоғистоннинг қишлоқ жойларида жойлашган мактаблар, фельдшерлик ва акушерлик станциялари, клублар, каналларнинг коллектор-дренаж тармоқларини қайта қуриш бўйича юздан ортқ хулосалар олинди.

2016 йилда “Фузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро А-380 автомагистрали қурилишида туپроқларнинг физик-механик хусусиятларини ва кимёвий таркибини аниқлаш бўйича лаборатория ишларини олиб бориш учун “Йўл-лойиҳа бюроси” МЧЖ билан иқтисодий битим тузилди. Устуорт платформасидаги кам ўрганилган туپроқларнинг оптимал намлигини аниқлаш бўйича тавсиялар берилди. Ушбу ишнот қурилиш жорий йилда бошланган. 2021 йилда ҳам ҳўжалик шартнома асосида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистонни барпо этишда фан, ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг узвийлигини, интеграциясини таъминлаш барча муваффақиятлар асосини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади.

### ИСЛОҶОТЛАР АМАЛДА

## ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол ва ташаббускор бўлиши зарур

**Бахтиёр МАШАРИПОВ,**  
**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари**



Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокчи ва ҳамкор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини мустақамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ҳамда қўлай шарт-шароитлар яратишдир. Мазкур ҳужжатлар билан 2021 йилнинг 1 мартидан бошлаб қўнунчилиқда нодавлат нотижорат ташкилотлар учун бир қатор имтиёз ва қўлайликлар жорий этилди. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилган (маълумот учун) ҳолда хорижий манбалардан олинмадан пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календар йилдаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробаридан 100 баробаригача оширилди. Мазкур норманинг белгиланиши натижасида нодавлат нотижорат ташкилотнинг рўйхатдан ўтказувчи орган билан мол-мулк олишни келишиш жараёни янада соддалаштирилди. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотни қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатдан ўтказиш муддати

1 ойдан 15 кунгача қисқартирилди. Ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нурионийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари размаларини давлат рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмаслиги белгиланди. Эндиликда нодавлат нотижорат ташкилотнинг алоҳида бўлинимаси юридик шахс ҳисобланади, алоҳида бўлиниларни ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинди. 2021 йилнинг 1 мартидан эса нодавлат нотижорат ташкилотнинг алоҳида бўлинимасини фақат юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланаётгани рўйхатдан ўтказилиши яна тартибини белгилаб, алоҳида бўлиниманинг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ўз фаолиятини вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган ННТ ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисобланиб, уларни давлат рўйхатдан ўтказиш учун БҲМнинг 50 фоизи миқдоридан давлат божи ундирилади. Фармонга кўра, бир қатор ННТлар учун муҳим мақсадли кўрсаткичлар белгилангани алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш ҳажмининг 2021 йилда камидан 1,2 баробар, 2025 йилда эса, 1,8 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Айти пайтда юртимизда 10 мингга яқин ННТ давлат органлари билан бир қаторда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этувчи мақсадларни амалга ошириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзолари сонини жами фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сонига

нисбатан 2021 йилда 10 фоизга, 2025 йилда 30 фоизга етказиш белгиланиб, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юқори турувчи ташкилотларга қўнунчилиқни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифларнинг умумий сони 2021 йилда 1000 тага, 2025 йилда 5000 тага етказилишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига 2021 йилда 16 миллиард сўм, 2025 йилда 70 миллиард сўм миқдорда маблаг ажратиш, жорий йилда 50 та, 2025 йилда эса 250 та нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг очиклик индекси жорий қилинди. Унга кўра, ҳар йил яқини бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижасидан ҳамда бошқа муҳим фаолият кўрсаткичларига асосан уларнинг рейтингини эълон қилиб борилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг очиклик индекси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Адлия вазирилик томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ҳамда индекс натижалари уларнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Бундан ташқари, Очиклик индекси натижаси бўйича “Энг шаффоф нодавлат нотижорат ташкилотлар ТОП-20” ва “Энг

фаол нодавлат нотижорат ташкилотлар ТОП-20” рўйхатлари шакллантирилади. Шаффофлик стандартини жорий этган нодавлат нотижорат ташкилотларини белгиланган тартибда рағбатлантириш чоралари қўрилади, улар томонидан амалга оширилган ижобий ишлар жамоатчилик ўртасида кенг оммалаштирилади. Шу билан ННТлар моддий-техник базасини мустақамлашга белгиланган тартибда кўмак берилди ҳамда давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш чоралари қўрилади. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида концептуал жараёнларнинг янада фаоллашуви, фуқаролик жамияти институтларининг барча тизимларини ривожлантириш, ННТларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг турли қатламлари вакиллари ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, энг асосийси, фуқароларнинг жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига шахсий дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, янги Ўзбекистон янги ўн йилликка қадам қўйиб бир даврда эришган натижаларимизни мустақамлаш, амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарадорлигига эришиш нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш давом этиши, соҳага янги-ча ёндашув ва муносабат зарурати борлигини ҳар доим ёдда тутмоғимиз керак.



БУГУННИНГ ГАПИ

ОҚ ОТЛИ ИЖОДКОРЛАР

МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВГАГА ЎТИНГ.



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Бошланғичи 1-бета

Кўринадики, Навоий Бойқарони қанча улуғлаган бўлса ("Мажолис ун-нафоис"нинг сақизинчи мажлиси тўлалигича Хусайн Бойқарога бағишланган), Бойқаро ҳам Навоийни шу даражада ардоқлаган...

Сўз илоҳий, сўз қудратли

Бутун борлиқ сўз билан яралган. Аллоҳ "Бўли" деб амр қилган, бўлган, яъни олам яралган. Ҳамма нарсага асоси, бошланғичи сўз. Сўзсиз ҳеч нарса тасаввур қилиб бўлмайди.

Адабиёт — атомдан кучли, фақат унинг кучини ўтин ёришга ишлатмаслик керак, деган эди Абдулла Қаҳҳор. Бугунги кунда сўзнинг қудрати, ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораётди.

Тарихий учрашув

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлагандан кейин биринчи учрашувни олимлар билан ўтказди. Уларнинг фикрларини, муаммоларини, таклифларини эшитди.

Орадан кўп ўтмай, 2017 йил 3 августда Президентимиз ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашди. Мен ўша учрашувда иштирок этганман.

кўтарилди. Ҳамма ўзини эркин тутди, кўнглидаги фикрини эркин, бемалол айтиши мумкинлигини сезди. Мулоқот Президентнинг ўзи таъкидлаганидек, "самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтди".

... Кичик лирик чекинмиш

Шавкат Мирзиёев Бош вазир этиб тайинланган кезлар эди. Бир юмуш билан қишлоғимизга бордим. Қариндошлар билан гурунг қилиб ўтирдик, Саидқул поччам (Аллоҳ раҳмат қилсин) "Бизди ҳоқимимизни Тошкандан олиб кетиб қолдингизлар-да", деди.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев Бош вазир сифатида кўп иш қилди. Энг муҳими, одамлардаги мудроқликни, эриш-чочликни йўқотишга интилни ва муайян даражада бунга эришди. Аммо барча имкониятларини тўла ишга сола олмади, чунки у пайтда бунинг илоҳий йўқи эди.

Тасаввур қилинг, бир одам йиллар давомида кун ўтса бас қабилида тиркич қилиб юради, ўзи билиб-билмайди, бир қоллига тушиб қолади. Энг ёмони, шу қоллини бузса, ҳаёти издан чиқади-гандек қўруқ пайдо бўлади.

Жамиятимиз, халқимиз ана шундай жараёни бошидан ўтказди бундан беш йил олдин. Давлатимизнинг янги раҳбари бутун халқимизнинг қўлини очди, ҳаётга, дунёга тийрак кўз билан қарашни, бу жаҳонда қандай ақл бовар қилмас ишлар бўлаётганини идрок этишга, улардан ўрнак олишга даъват этди.

Жамиятимиз, халқимиз ана шундай жараёни бошидан ўтказди бундан беш йил олдин. Давлатимизнинг янги раҳбари бутун халқимизнинг қўлини очди, ҳаётга, дунёга тийрак кўз билан қарашни, бу жаҳонда қандай ақл бовар қилмас ишлар бўлаётганини идрок этишга, улардан ўрнак олишга даъват этди.

Президент уларни йиғиб, элчиларнинг зиммасига аниқ вазифалар қўйди. Наҳақчада мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлиги кучайди, чет эллардан инвестиция жалб этиш сезиларли даражада кўнайди.

Маъмурий ўзгаришлардан бошлаб барча соҳаларда қўтилмаган, илгари учрамаган янгиликлар, креатив ёндашувлар, янги-янги фикрлар, мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди.

Буллар алоҳида мавзу. Биз фикр юриётган тарихий учрашувга қайтайлик. Йиғилишда Президентимиз жуда кўп масалаларни очиб-ойдин айтди. Мавжуд муаммоларнинг ечимини белгилаб берди.

Адабиёт "А" дан бошланади

Адабиёт одобни, ахлоқни ўрганади ва ўргатади. Одоб фарзанд тарбиясининг ибтидоси. Боласи улгайиб, эл қаторига кирганда ота-онасига раҳмат келтиришнинг истаганлар фарзандига, аввало, одобни ўргатади.

Адабиёт бежиз "а" дан бошланмаган. Барча санъатларнинг ибтидоси ва асоси адабиёт. Адабиётнинг жамиятдаги ўрни салмоқли, вазифаси улкан.

Шавкат Мирзиёевни неча йилдан бери билсам, қайси лавозимда ишлаган бўлсам, қайси лавозимда ишлаган бўлсам, қайси лавозимда ишлаган бўлсам, қайси лавозимда ишлаган бўлсам, қайси лавозимда ишлаган бўлсам...

Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбони барпо этилди. Ҳолати сўлим, баҳаво, қўрқам бу боғда йигирма бешта шоир ва ёзувчимизнинг салобатли ҳайкали ўрнатилди.

Бугун мазкур хиёбонда турли адабий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда, ёш қаламкашлар устозлардан сабоқ олмақда. Шу маънода, бу боғни очиб аудитория, дейиш мумкин. Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари ушбу хиёбонга фарзандлари, неваралари билан келиб сайр қилади, маънавий озуқа олади.

Адиблар хиёбони ҳудудида Ёзувчилар уюшмаси учун алоҳида бино қуриб берилди. Бу қошонанинг архитектура-санъат билан ҳамма бўлмаслик инсонга фақат зарар эканини тушунтирди.

мана шундай муҳташам бино қуриб бергани мен ниҳоятда ҳайратга солди, қувонтирди".

Уша халқаро анжуманда қатнашган Туркия, Эрон, Франция, Миср, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Россия, Украина, Латвия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатлар ёзувчилари ҳам бу ғамхўрлик ва эътиборни алоҳида таъкидлади.

Ижодкор учун маънавий шариоитнинг аҳамияти катта. Уюшма биноси яқинида ёзувчилар учун кўп қаватли уйлар қурилди. Бугун ана шу уйларда юздан зиёд ёзувчи истиқомат қилмоқда.

Бундай ғамхўрликлар хорижлик ҳамкасбларимизни ҳайратга солиб, ҳавасини тортмоқда. Жумладан, юқорида эслганимиз, халқаро конференция иштирокчилари буни бот-бот қайд этди. Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор Боқудани қандайдир "525-газет" газетасида катта мақола эълон қилди.

“Хусайн Бойқаро Алишер Навоийни оқ отга миндиргани воқеаси билан бошлаган эдик. Энди айтинг, Президентимизнинг адабиёт ва санъат аҳлига — ижодкор зиёлиларга кўрсатаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги (ҳар йили ўнлаб ижодкорлар давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирланаётганини ҳам эсдан чиқармайлик) уларни оқ отга миндиришдан камми?! Султон Хусайн Бойқаро Алишер Навоийга ҳиммат кўрсатган бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев қанча ижодкорларга беиннат ва беғараз ҳиммат кўрсатаётди?! Бунинг ҳисоби борми?”

Халқимиз истеъдодларга бой. Наинки шаҳарларда, балки узоқ-узоқ қишлоқларда ҳам талантли ешлар кўп. Уларни излаб топиш, қизиқишга қараб қўллаб-қувватлаш зарур.

Санъат шундай қудратли кучга эга...

Биз сўз юриётган тарихий учрашувда санъатнинг барча турларини ривожлантириш йўллари белгилаб берилди. Утган вақт мобайнида бу борада кўп салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

Миллий боғ ҳудудида бугун кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб берилмоқда. Бу ерда Миллий академик драма театримиз учун махсус бино, йирик кутубхона, музей қурилмоқда.

нафақат пойтахтимизнинг, балки бутун мамлакатимизнинг маънавий-маърифий маркази бўлади.

Қалам аҳли ҳақида гап кетганда, журналистларни эсламай илҳомимиз йўқ. Чунки жамият ҳаётида ҳамма бу соҳанинг ўрни ҳам, аҳамияти ҳам салмоқли бўлган. Бугун журналистика ҳақиқий тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиб бораётди.

Маънавий тарбия воситаси

Санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида гапирганда бир тарихий воқеани эслаш ўринли, деб ўйлайман.

1812 йилдаги урушда Франция енгилди. Наполеондан кейин Франция тақдирини чекаралари қанақа бўлади, деган масалалар кўтарилади. Венада шу масала бўйича конференция ўтказилиш мўлжалланади.

Ушбу конференцияда Франциядан ташқи ишлар вазири Шарль Талейран иштирок этиши белгиланади. Франция тақдирини ҳал қилишни кўзда тутилган бу конференцияга Талейран жиддий тайёргарлик қўрди.

Конференция якунида Франция Европанинг қудратли давлати сифатида сақлаб қолинади. Албатта, бунда мажорхатли дипломат, билимдон сиёсатчи Талейраннинг хизмати беқеъис.

Санъат шундай қудратли кучга эга...

Биз сўз юриётган тарихий учрашувда санъатнинг барча турларини ривожлантириш йўллари белгилаб берилди. Утган вақт мобайнида бу борада кўп салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

Ражабий номидаги Миллий муסיқа институти ташкил этилди, Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби Хореография академиясига айлантирилди ва янги бинога кўчиб ўтди.

Энг оммавий санъат турларидан бўлган кино санъатини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Бунга Президентимизнинг тегишли қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ана шундай завоқи кино байрами негизинда тўхтаб қолган эди. Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги қарори билан бу фестивал "Ипак йўли дурдонаси" номи билан қайта тикланадиган бўлди.

Президентимизнинг Маданият вазирлиги, Бадий академия, Бастакорлар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳам қарорлари эълон қилинди.

Булардан аён бўладики, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш" сари шиори остида Учтинчи Ренессанс пойдеворини қўяётган янги Ўзбекистон учун адабиёт ва санъатнинг ўрни, роли ва аҳамияти жуда катта.

Ушбу конференцияда Франциядан ташқи ишлар вазири Шарль Талейран иштирок этиши белгиланади. Франция тақдирини ҳал қилишни кўзда тутилган бу конференцияга Талейран жиддий тайёргарлик қўрди.

Ушбу конференцияда Франциядан ташқи ишлар вазири Шарль Талейран иштирок этиши белгиланади. Франция тақдирини ҳал қилишни кўзда тутилган бу конференцияга Талейран жиддий тайёргарлик қўрди.

Биз сўз юриётган тарихий учрашувда санъатнинг барча турларини ривожлантириш йўллари белгилаб берилди. Утган вақт мобайнида бу борада кўп салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

